

## VIII. ХИЗМАТЛАР


Иқтисодийнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган хизматлар соҳасининг аҳамияти жуда улкан ва долзарб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнларининг тобора мураккаблашиб бораётганлиги, бозорни кунлик ва индивидуал талабларга мос истеъмол моллари билан тўлдириш, инновацион ривожланишнинг жадал ўсиши жамият ҳаётининг янги ланишига олиб келади. Бу ахборот, молия, транспорт, суғурта ва бошқа турдаги хизматларсиз амалга ошмайди.

Замонавий жамият ҳаётида хизматлар соҳаси жуда кенг тарқалган ҳодиса ҳисобланади. Бугунги кунда у ёки бу турдаги хизматлар кўрсатмайдиган ёки ҳеч бўлмаганда унга дуч келмаган корхоналар деярли йўқ.

2019 йил 1 январь ҳолатига вилоятимизда 27 мингдан ортиқ фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар қайд этилди. Шундан, хизматлар соҳасида 17,5 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 110,2 % га кўпайди.

### Хизматлар соҳасига тааллуқли фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар сони, бирликда (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

01.01.2019 й. ҳолатига



Инновацион хизматларни жорий этиш ва анъанавий хизматларни ривожлантириш бўйича аниқ мақсадли комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ишлаб чиқарилган бозор хизматлар ҳажмини ошишига олиб келди. Натижада, 2018 йил январь-декабрь ойларида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 7979,8 млрд. сўмни ташкил этди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,5 % ни ташкил этди.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш (2018 йил январь–декабрь ойлари учун)

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>	<i>умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
<b>Жами – хизматлар</b>	<b>7979,8</b>	<b>108,5</b>	<b>100,0</b>
<i>жумладан асосий турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	490,5	111,9	6,2
молиявий хизматлар	1098,5	135,2	13,8
транспорт хизматлари	1894,5	103,0	23,7
<i>шу жумладан:</i> автотранспорт хизмати	1850,9	102,8	23,2
яшаш ва овқатланиш хизматлари	128,3	104,6	1,6
савдо хизматлари	2705,5	105,2	33,9
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	241,9	102,1	3,0
таълим соҳасидаги хизматлар	316,0	100,0	4,0
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	111,9	121,6	1,4
ижара хизматлари	188,9	110,8	2,4
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	208,3	104,3	2,6
шахсий хизматлар	354,9	102,1	4,4
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	48,3	138,6	0,6
бошқа хизматлар	192,2	110,7	2,4


Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида юқори ҳажм савдо хизматлари (2705,5 млрд. сўм), транспорт хизматлари, (1894,5 млрд. сўм), молиявий хизматлар (1098,5 млрд. сўм) га тўғри келади.

Энг кичик ҳажм компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар (208,3 млрд. сўм), ижара хизматлари (188,9 млрд. сўм)га соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (111,9 млрд. сўм), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (48,3 млрд. сўм), тўғри келади.

Ҳисобот даврида энг юқори ўсиш суръатлари меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар – 138,6 %, молиявий хизматлар – 135,2 %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 111,9 % бўйича эришилди.

“2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш Дастури”ни амалга ошириш натижасида молиявий хизматлар – 135,2 фоизга, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар – 121,6 фоиз алоқа ва ахборотлаштириш – 111,9 фоизга, таълим соҳасидаги хизматлар – 100,0 фоизга, юқори ўсиш суръатларига эришилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган  
бозор хизматларининг ўсиш суръатлари, %  
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)**




Таққослаш учун, 2018 йил январь-декабрь ойларида меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар ўсиш суръати – 138,6 %, таълим соҳасидаги хизматлар – 100,0 % ни ташкил этган.

Хизматлар таркибида савдо хизматлари (33,9 %), транспорт хизматлари (23,7 %), молиявий хизматлар (13,8 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (6,2 %) улуши устунлик қилган.

Хизматлар умумий ҳажмида паст улушлар соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (1,4 %) га шунингдек меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (0,6 %), тўғри келган.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби**  
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун, жамига нисбатан фоизда)



Хизматлар таркибида транспорт хизматлари – 23,7 % улуш билан етакчи ўринни эгаллайди. Юклар ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар ҳажмининг ошиш омиллари янги бино ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш, саноат зоналарини ташкил этиш ва кенгайтириш, савдо тармоқларини кенгайтириш, туризм фаолиятини ривожлантириш ҳисобланади.

Транспорт хизматлари таркибида автомобиль транспортининг улуши 23,2 % билан устунликка эга.

Ахборот технологияларининг ривожланиши замонавий инсоннинг турмуш тарзига сезиларли даражада таъсир қилади. Йилдан-йилга одамлар Интернет ва мобиль телефонлардан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга ошириш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлмоқда. Замонавий бизнесни ривожлантиришда ахборот ва хизматлардан реал вақтда масофавий эркин фойдаланиш ҳуқуқи муҳим ўрин тутди.

2018 йил январь-декабрь ойларида Андижон вилоят бўйича алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 490,5 млрд. сўмга тенг бўлди. 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиши 111,9 % ни ташкил этди.

**Худудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш**  
(2018 йил январь–декабрь ойлари учун)

	Жами			Аҳоли жон бошига	
	млрд.сўм	2017 йил январь–декабрга нисбатан %	жами хизматлар ҳажмига ҳудудларнинг улуши	минг сўм	2017 йил январь–декабрга нисбатан %
<b>Андижон вилояти 1)</b>	<b>7979,8</b>	<b>108,5</b>	<b>100,0</b>	<b>2625,6</b>	<b>106,6</b>
<i>шаҳарлар:</i>					
Андижон	3797,2	110,7	47,6	8816,6	109,2
Хонобод	83,3	105,0	1,0	2011,2	103,4
<i>туманлар:</i>					
Андижон	432,2	107,2	5,4	1706,2	105,1
Асака	506,7	107,0	6,4	1603,1	104,9
Балиқчи	336,3	106,1	4,2	1735,2	104,3
Бўз	102,6	105,8	1,3	1471,4	104,0
Булоқбоши	215,8	105,9	2,7	1561,7	104,3
Жалақудук	276,6	106,3	3,5	1533,5	104,7
Избоскан	337,9	106,5	4,2	1473,4	104,6
Улуғнор	92,5	105,1	1,2	1605,7	103,5
Марҳамат	250,1	106,5	3,1	1493,2	104,5
Олтинқўл	260,6	107,0	3,3	1521,6	105,0
Пахтабод	273,8	106,5	3,4	1469,7	104,6
Хўжабод	171,2	106,0	2,1	1613,2	104,3
Шаҳрихон	498,9	106,9	6,3	1728,6	104,9
Қўрғонтепа	344,1	106,7	4,3	1647,0	104,9

1) Худудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмларни қўшган ҳолда


Худудлар кесимида хизматларнинг энг юқори ўсиш суръати Андижон шаҳар (110,7 фоиз)га тўғри келди.

Вилоят бўйича кўрсатилган хизматларнинг 65,0 фоиздан ортиғи Андижон шаҳар (47,6 фоиз), Асака (6,4 фоиз), Шаҳрихон (6,3 фоиз) ва Андижон (5,4 фоиз) туманлари хиссасига тўғри келади.

Энг паст ўсиш суръатлари Хонобод шаҳри (105,0 %), Улуғнор (105,1 %), Бўз (105,8 %), Хўжаобод (106,0 %) ва Балиқчи (106,1 %), туманларида кузатилди.

2018 йил январь-декабрь ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 2625,6 минг сўмни ташкил қилди. Ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 106,6 % ни ташкил этди.

### Худудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг ҳажми ва ўсиш суръати (2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юқори кўрсаткич Андижон шаҳрида – 8816,6 сўмга тенг бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109,2 % ни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг паст кўрсаткичи, Избоскан (1473,4 минг сўм), Бўз (1471,4 минг сўм) ва Пахтаобод (104,6 минг сўм) туманларида кузатилди.

Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, унинг таркибини, етарлича ривожланган жамият ва ривожланган эҳтиёжлар билан такомиллаштириш мумкин ва бу умуман ҳаёт сифати каби ҳодиса билан боғлиқ, чунки турли эҳтиёжларни кондириш жараёни ҳаёт сифатининг муайян стандартини яратади.